Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1 июнь, шанба, 1996 йил

Сотувда эркин нархда. № 109 (1362)

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 31 май куни Жаҳон банки ижрочи директорлари делегациясини қабул қилди.

— Иқтисодий ислоҳотларга киришган ҳеч бир мамлакат ўтиш даврида дунёдаги йирик молиявий ташкилотлар кўмагисиз белгиланган режаларни амалга ошира олмайди, — деди Ўзбекистон раҳбари делегация аъзолари билан суҳбат чоғида. — Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётгани, ушбу обрўли молиявий ташкилот мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаётгани қувончлидир.

Ислом Каримов шу ўринда Жаҳон банки ўтган йили миллий валютамизни қўллаб-қувватлаш, хориждан маҳсулотлар харид қилиш мақсадлари учун ажратган 160 миллион доллар кредит ислоҳотлар муваффақиятини таъминлашда муҳим ўрин тутишини қайд этди.

Суҳбат чоғида мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш борасида амалга оширилган ислоҳотлар стратегияси ҳамда Ўзбекистон ва Жаҳон банки ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада тараққий эттириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси В. Голишев, Бош вазир ўринбосарлари — Б. Ҳамидов, В. Чжен, Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов иштирок этди.

Учрашувда Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги минтақавий ваколатхонаси раҳбари Хассо Моллинеус ҳозир бўлди.

***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 31 май куни Япониянинг қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва балиқчилик бўйича молия корпорацияси раиси ўринбосари Тадао Чино бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Япониянинг таниқли иқтисодчи мутахассислари ва молиявий ташкилотлари вакиллари ҳамда олимларидан иборат мазкур йирик делегациянинг юртимизга ташрифини Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга бўлган алоҳида қизиқиш, дея баҳолади. Шунингдек, Президент Ислом Каримов Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик мунтазам ривожланиш босқичига киргани ва республикамиз ҳукумати ушбу алоқаларни янада кенгайтиришдан манфаатдорлигини таъкидлади.

Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини равнақ топтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон раҳбари Тадао Чинога «Тошкент шаҳрининг фахрий фуқароси» унвони берилгани икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик ришталарининг мустаҳкамланиши, маданий алоқалари ривожига ҳисса қўшади, деб умид билдирди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Содиқ Сафоев, Бош вазир ўринбосари Бахтиёр Ҳамидов, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси Рустам Азимов иштирок этди.

Қабулда Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Укэру Магосаки ҳозир бўлди.

**СУРАТДА: Жаҳон банки ижрочи директорлари делегацияси қабул пайти. А. ТЎРАЕВ олган сурат. (ЎзА).**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий инвестициялар иштирокида ишлаб чиқариш корхоналарининг ташкил этилиши ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг республиканинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга ҳамда жаҳон иқтисодиётига интеграциялашишга қўшадиган ҳиссасини ошириш мақсадида:

1. Белгилансинки, экспортга мўлжалланган ва импортнинг ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этишни ва уларнинг самарали фаолият кўрсатишини рағбатлантириш Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий ва инвестиция сиёсатидаги муҳим устуворлик ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида хорижий инвестицияларнинг мулкка ва олинган даромадни олиб кетишга бўлган ҳуқуқи ҳимоя қилинишини таъминловчи, улар учун қулай инвестиция муҳитини яратувчи кафолатлар ва имтиёзларнинг кенг тизими белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши тартибини мураккаблаштирувчи идоравий ҳужжатлар чиқариш, ҳукумат қарорларида назарда тутилмаган қўшимча маълумотлар ва ҳужжатларни сўраш тақиқлансин.

Тегишли идоралар ва тузилмаларнинг раҳбарлари уларнинг фаолиятига, энг аввало хорижий инвестициялар жалб қилинишига ва қўшма ишлаб чиқаришлар сони кўпайишига кўмаклашишларига ва рағбатлантиришларига қараб баҳо берилиши ҳақида огоҳлантириб қўйилсин.

3. «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Адлия вазирлиги икки ҳафта муддатда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни экспортга мўлжалланган ва импортнинг ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқариш корхоналарига мансуб деб ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

4. Экспортга мўлжалланган ва импортнинг ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун 1996 йил 1 июндан бошлаб қуйидаги қўшимча имтиёзлар жорий қилинсин:

уларга ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун солиқ кредити олиш ҳуқуқи берилсин, яъни бюджетга тўланадиган фойдадан олинадиган солиқ, қўшилган қиймат солиғи ва ер солиғи юзасидан тўловлар икки йилгача муддатга кечиктирилсин;

устав фондида хорижий сармоя улуши камида 500 минг АҚШ долларини ташкил этган корхоналар мулк солиғи тўлашдан озод қилинсин.

5. Экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг сўмдаги маблағлари хомашё ва материаллар, бутловчи буюмлар ва технологик асбоб-ускуналар сотиб олиш учун эркин муомаладаги валютага кафолатли ва ўз вақтида конвертация қилиниши, шунингдек, кўрсатиб ўтилган корхоналарнинг хорижий муассисларига тегишли бўлган фойда ва дивидендларнинг конвертация қилиниши таъминланиши белгилаб қўйилсин.

Мазкур банднинг бажарилишини назорат қилиш Марказий банкка юклансин.

6. «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари манфаатдор вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар ва корпорациялар иштирокида — бандга мувофиқ тармоқлар, ишлаб чиқариш фаолияти соҳалари, республика ҳудудлари бўйича хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил этиш бўйича инвестиция таклифларини бир ой муддатда аниқлаштирсинлар ва уларни амалга ошириш чора-тадбирларини кўрсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, хорижий сармоялар бўйича агентлик, «Ўзбекинвест» миллий суғурта компанияси кўрсатиб ўтилган устувор инвестиция таклифлари рўйхатини чет эл элчихоналари ва ваколатхоналарига, манфаатдор хорижий банкларга, фирмалар ва компанияларга етказсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси, Давлат мулки қўмитаси ҳамда Фан ва техника давлат қўмитаси хорижий сармоялар бўйича агентлик билан бирга хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлашнинг ягона тизимини 1996 йил охиригача ишлаб чиқсинлар ва жорий этсинлар, бунда қуйидагиларни назарда тутсинлар:

республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг йўналиши ва бориши, иқтисодиётга инвестиция қўйишнинг шартлари ва устувор йўналишлари, имтиёзлар ҳамда кафолатларнинг, инвесторлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг амалдаги тизими билан хорижий инвесторларнинг кенг доирасини таништириш;

хорижий инвесторларни зарур қонунчилик ва норматив ҳужжатлар, йўриқнома ва ахборот-маълумот материаллари билан таъминлаш;

ахборот тармоғи ҳамда устувор инвестиция таклифларини ва мамлакатимиздаги ва чет элдаги потенциал шериклар тўғрисида ягона маълумотлар базасини яратиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳисоб-китоблар тартибини соддалаштириш ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга кўрсатиладиган банк хизматлари тизимини такомиллаштириш юзасидан бир ой муддатда таклифлар киритсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги соддалаштирилган виза режимини, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар таклифларига биноан ва иш юзасидан шерикчилик алоқалари ўрнатиш учун келувчи чет эл фуқаролари ва мутахассисларининг келишлари ва кетишлари, яшашлари ҳамда республика ҳудуди бўйлаб юришлари тартибини икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритишга оид таклифларни бир ой муддатда тайёрласинлар.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 31 май.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ БИРЛИКЛАР, АҲОЛИ ПУНКТЛАРИ, ТАШКИЛОТЛАР ВА БОШҚА ТОПОНИМИК ОБЪЕКТЛАРНИНГ НОМЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз мустақиллигига беш йил тўлаётганига қарамай, ҳамон жойларда топонимик объектларнинг эски тузум ва коммунистик мафкурага хизмат қиладиган, халқимиз тарихи ва миллий анъаналарига боғлиқ бўлмаган номлари мавжуд. Булар истиқлол мазмун-моҳиятини тушунмасликдан, миллий мафкура ва миллий ғурур сустлигидан, баъзан эса масъулиятсизлик ва бефарқлик иллатлари туфайли келиб чиқмоқда. Натижада халқимизни янгича фикрлаш ва яшашга ўрганаётган бир пайтида мустақиллик ғояларидан чалғитмоқда. Ҳокимликлар, улар қошидаги топонимия комиссияларининг етарли даражада фаолият кўрсатмаётганини ҳисобга олиб,

Вазирлар Маҳкамаси Қарор қилади:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг топонимик объектлар номларини тартибга солиш борасидаги ишлари талаб даражасида эмас, деб ҳисоблансин. Бу борадаги камчиликлар учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига кўрсатиб ўтилсин.

2. Ўзбекистон Республикасидаги топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи республика комиссиясининг янги таркиби иловаға мувофиқ, ушбу комиссия тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

Республика комиссиясига белгиланган қоидалар асосида топонимик объектларнинг номларини ўзгартириш ва тартибга солиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиб жойларга юбориш топширилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар, корхоналар, кўчалар, майдонлар, хиёбонлар ва бошқа объектларга ном бериш, уларнинг номларини ўзгартириш ва тартибга солиш масъулияти шахсан юклатилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига:

— 10 кун муддат ичида ҳокимликлар қошида ташкил этилган топонимик комиссиялар фаолияти ва таркибини кўриб чиқиш, олиб бораётган ишларини фаоллаштириш мақсадида комиссиялар таркибига тарихчилар, тилшунослар, ҳуқуқшунослар, жамоатчилик ва маҳаллий бошқарув идоралари вакилларини жалб этиш;

— 1996 йил 1 сентябргача ўзгартириладиган топонимик объектлар номларини қайта кўриб чиқиш, эски тузум давридан сақланиб қолган, номлари халқимиз тарихи ва анъаналари билан боғлиқ бўлмаган объектлар номларини ўзгартириш ва уларга ном беришда тарихий, миллий, табиий ва бошқа маҳаллий шароитларни ҳисобга олиш, кишилар шарафига қўйилган барча номларнинг белгиланган қоидалар ва мақсадларга мувофиқлигини қайта кўриб чиқиш топширилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

— объектларга кишилар номини бериш ҳақидаги маҳаллий ҳокимият органларининг қарорлари дастлабки тарзда Ўзбекистон Республикасидаги топонимик объектларга машҳур кишиларнинг номини бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи республика комиссияси билан келишилиши шарт;

— Ўзбекистон Республикаси ҳудудида шахсларнинг ҳаёт чоғида номини бирор жойга қўйишга ҳамда абадийлаштиришга рухсат берилмайди.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 9 мартдаги 123-сон қарори ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов зиммасига юклатилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 31 май.

*ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1996 ЙИЛ 31 МАЙДАГИ ҚАРОРИГА ИЛОВА*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ТОПОНИМИК ОБЪЕКТЛАРГА НОМ БЕРИШ МАСАЛАЛАРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

**Саидқосимов С.** — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, комиссия раиси

**Азизхўжаев А. А.** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, комиссия раисининг муовини

**Жўраев Х. Р.** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси

**Шаҳобиддинов Ж.** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг катта эксперти, комиссия котиби

**Абдураимов Ҳ.** — Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси бошқаруви раиси

**Аминов Н.** — республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбари

**Аҳмедов Б.** — республика «Амир Темур» жамғармаси раиси

**Бегматов Э.** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тилшунослик институти директорининг ўринбосари

**Жўраев Т.** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти

**Мирсафоев С.** — Ўзбекистон Республикаси адлия вазири

**Орипов А.** — Ўзбекистон халқ шоири

**Темуров Ш.** — республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси

**Тўхтабоев Х.** — республика «Олтин мерос» жамғармаси раиси

**Холмуродов А.** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари бўйича қўмита раиси

**Қўзиев Т.** — Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг ўринбосарлари.**

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

31 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Япониянинг қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва балиқчилик бўйича молия корпорацияси раиси ўринбосари Тадао Чино раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги иқтисодий алоқалар кундан-кунга кенгаётгани, шунингдек, икки мамлакат ҳамкорлигини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Музокаралар чоғида Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Укэру Магосаки ҳозир бўлди.

**(ЎзА).**

## ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИДА

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Жаҳон банки ижрочи директорлари делегацияси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига ташриф буюрди. Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, республика Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қуватлаш давлат қўмитаси раиси В. Чжен меҳмонларни Ўзбекистонга ташрифи билан қутлаб, уларга маҳаллий ва хорижий сармоядорларга кенг имконият яратиш, тадбиркорликни ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида республикамизда амалга оширилаётган ишлар хусусида сўзлаб берди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Жаҳон банки ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар хусусида ўзаро фикрлашилди.

Учрашувда Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги минтақавий ваколатхонаси раҳбари Хассо Моллинеус иштирок этди.

## ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИГА ТАШРИФ

31 май куни Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган «Германия — Марказий Осиё» парламент гуруҳининг раиси О. Фельдманн раҳбарлигидаги Германия Бундестаги делегацияси аъзолари билан учрашди.

Суҳбат чоғида томонлар Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий алоқалар тобора ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди. Бу эса, шубҳасиз, ҳар икки мамлакат учун ҳам манфаатли бўлаётгани таъкидланди. Келгусида ушбу алоқаларни янада жонлантириш билан боғлиқ масалалар хусусида фикрлашиб олинди.

Учрашувда Германиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Райнхарт Бинд-зайл иштирок этди.

**(ЎзА).**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## РЕСПУБЛИКАДАГИ БИР ҚАНЧА КОРХОНА ВА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИ ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қўшаётган ҳиссаси, «Интурист» меҳмонхонасини қуришда ва «Биржа маркази» биносини қайта тиклаб, муддатидан илгари фойдаланишга топширишда қилган фидокорона меҳнати ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этаётганликлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

**«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Габзалилов** Ринат Гильммутдинович — «Вақт» миллий депозиторийси акциядорлар жамиятининг бош директори

**Мусабоев** Инатулло Жўраевич — «Ўзсувқурилиш» давлат концерни «Тошкентсувқурилиш» трестининг 7-механизациялашган кўчма колоннаси бетончиси

**Эргашев** Мўмин Алимович — «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» давлат корпорацияси «Ўзшаҳарқурилиш» уюшмасининг 354-механизациялашган кўчма колоннаси дурадгори

**ҚУЙИДАГИЛАРГА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИЛСИН:**

**Йўлдошев** Олим Мажидович — «Ўзагроқурилиш» республика ишлаб чиқариш давлат-ширкат қурилиш бирлашмаси раиси

**Камолов** Вил Шодмонович — «Ўзжамоахўжаликқурилиш» бирлашмаси раиси

**Низомов** Қурбонжон — «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси «Ўзэлектромонтаж» бирлашмасининг Тошкент монтаж бошқармаси электрмонтажчиси

**Ғуломов** Эргашбой — «Ўзавтойўл» давлат концерни «Автомагистраль» ихтисослаштирилган йўл тузатиш-қурилиш бирлашмасининг асфальт ётқизиш машинисти

**Ҳошимов** Мадиёрбек Ҳасанович — «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси «Тошмахсуспардозқурилиш» очиқ турдаги акциядорлар жамияти бошқаруви раиси

**ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:**

**Абдижалилов** Абдимажит — «Ўзқурилишматериаллари» давлат концерни Ғазалкент тошга ишлов бериш комбинати очиқ турдаги акциядорлар жамияти ишлаб чиқариш-технология бўлими бошлиғи

**Жўрабоев** Зойиржон Ғаниевич — «Ўзжамоахўжаликқурилиш» бирлашмаси Фарғона вилояти тресты 103-хўжаликлараро махсус механизациялашган кўчма колоннаси мармарчилар бригадаси бошлиғи

**Илҳомов** Улуғбек Ҳусанович — «Даварxитектқурилиш» қўмитаси Ўзбекистон шаҳарсозлик лойиҳалаш ва илмий-текшириш институти очиқ турдаги акциядорлар жамияти бошқаруви раиси

**Мирзахонов** Жумадилла Мустафоевич — «Ўзагроқурилиш» бирлашмаси «Агроқурилишкомплекси» жамоа корхонаси 467-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колоннасининг комплекс бригадаси бошлиғи

**Султонхўжаев** Сайфулла Каримович — «Ўзагроқурилиш» бирлашмаси «Агроқурилишкомплекс» жамоа корхонаси бошлиғи

**Тошпўлатов** Икром Норбекович — «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси «Тошмахсуспардозқурилиш» очиқ турдаги акциядорлар жамиятининг 28-қурилиш бошқармаси сувоқчилар бригадаси бошлиғи

**Файзуллаев** Абдулла Фатхуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси биржа фаолияти департаменти бошлиғи

**Ҳайитов** Ахмат — «Ўзбошқурилишёғочсаноат» бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Ҳасанхўжаев** Анвар Рамзиддинович — Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг республика биржа маркази биноси қурилиши дирекцияси директори

**Эркабоев** Рустам Садирович — «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» давлат корпорацияси «Ўзшаҳарқурилиш» уюшмаси раисининг ўринбосари

**Қозоқбоев** Тоҳир Маматқулович — «Ўзсувқурилиш» давлат концерни «Тошкентсувқурилиш» трестининг 7-механизациялашган кўчма колоннаси экскаватор машинисти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 31 май.

## ТАДАО ЧИНО — ТОШКЕНТНИНГ ФАХРИЙ ФУҚАРОСИ

***Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Япониянинг қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва балиқчилик бўйича молия корпорацияси раиси ўринбосари Тадао Чино раҳбарлигидаги делегация аъзолари Тошкент шаҳар ҳокимлигига ташриф буюрди.***

Суҳбат чоғида Ўзбекистон пойтахтини ривожлантириш истиқболлари, япониялик ишбилармон доиралар вакиллари билан янада кенгроқ ҳамкорлик қилишга доир масалалар муҳокама қилинди.

Меҳмонлар халқларимизни азалдан бирлаштирган Буюк Ипак йўлини қайтадан тиклаш борасида Тошкент шаҳри катта аҳамиятга эга эканини таъкидладилар.

Учрашув сўнггида Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун Тадао Чинога «Тошкент шаҳрининг фахрий фуқароси» унвони берилгани ҳақидаги ёрлиқни топширди.

Учрашувда Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Укэру Магосаки ҳозир бўлди.

**(ЎзА).**

## ГОЛЬФ КЛУБИ БЎЛАДИ

***31 май куни Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов Америка Қўшма Штатларининг «Олден стар инк» компанияси президенти Янг Ҳе Кил билан учрашди.***

Учрашувда Тошкентда Гольф спортини ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Мулоқот якунида Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан «Олден стар инк» компанияси ўртасида «Дам олиш ва спортни ривожлантириш бўйича халқаро корпорация» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонасини ташкил этиш ҳақидаги ҳужжат имзоланди.

Мазкур қўшма корхона Тошкентдаги «Роҳат» кўли атрофида Гольф майдонини қуради ва бу ерда Гольф клуби ҳам барпо этилади.

**(ЎзА).**

